


Шарқ миниатюра санъати

IX-X асрларда рассомлик ва миниатюра санъати мавжуд бўлган. Ёзув манбаларида хукмдорларнинг қаср ва уйларини деворлари сувратлар билан безатилганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди.. Девордаги сувратларда, жанг, ов, қабул маросими, базмлар, ҳокимларнинг портретлари тасвириланган. Ўша даврда рассом Абу Наср бин Арон Абу Али ибн Сино портретини ишлаган эди. Бу маълумотлар IX-X асрларда тасвирий санъат бўлганлигини англатади. Темур ва темурийлар даврига келиб расм чизиш санъати ривожланди. Буни Темур қурдирган Самарқанд яқинидаги сарой деворларига ишланган батал жанридаги композициялардан, Улугбек қурдирган расадхона деворларидаги табиат манзаралари тасвиirlари бўлганлиги ҳақидаги маълумотлардан билиб олиш мумкин.


Ўрта асрлар Шарқ тасвирий санъатида уйғониш даври рўй бераб, миниатюра санъати ҳам кенг ривожланди. Миниатюра асосан китоб графикаси йўналишида гуллаб яшнади. Натижада Ўрта Осиё, Арабистон, Хиндистон, Эрон, Турк миниатюра мактаблари пайдо бўлди.



Шопур Ширинга Хусрав
портретини кўрсатмоқда. Табриз,
XVI аср биринчи ярми.
1442 йил кўчирилган.



Ёш йигит китоб билан.
Табриз, XVI аср 40- йиллари.
Мусаввир Султон Муҳаммад (?)



Мактаб саҳни манзараси. Ҳирот,
XV аср охири. Мусаввир Бехзод.



Хинд дарёсини кечиб ўтаётган
Султон Жалолиддин.

Арабистон миниатюра мактаби.


Араб миниатюра мактаби X-XI асрларда Фотимийлар сулоласи, XIII асрнинг биринчи ярмида Сурия мактаблари асосида ташкил топди. Кўллўзмалар учун ишланган араб миниатюраларида воқелик унинг жонли образлари кенг учрайди. Воқелик шартли, баъзан рамзий шаклларда ифодаланади. Араб миниатюрасига хос бўлган фазилат ёрқин декоративлигидадир. Образларнинг жойлашиши ёрқин ранглар, чизикларнинг нағислиги унинг характерли тамонини белгилашда муҳим ўринни эгаллайди. **Араб санъатида нақш алоҳида ўринга эга. Араб миниатюра мактабининг ўзига хос тамони, асарда сюжетнинг кўплиги ва хилмачиллигидадир.** Миниатюра мактабининг энг машхур рассомларидан. Абдуллоҳ ибн Фадл бўлиб у Диоскориднинг “Фармакология” китобига миниатюрада тасвирлар аниқ ёрқин рангларда чизилиб миниатюралар ишланган. Матнлар сарик фонда ёзилган.

Рассом Яҳё ибн Маҳмуд безаган “Мақом” номли асарга бир қатор миниатюра асарлари ишлаган. Булардан шоир Абу Сайднинг саргузаштлари, халифанинг тантанали қабули, олимлар анжумани, карвоннинг йўлда дам олиши, байрам

маросими, денгиздаги кема каби асарларидир. Араб миниатюра мактабининг ўзига хос томони асарда сюжетнинг кўплиги ва хилма-хиллиги инсонни лол қолдиради. Бу асарлар Париждаги музейларнинг бирида сақланмоқда.



Диоскориднинг “Фармакология”
китобидан варроқ, машхур миниатюрачи
рассом Абдуллоҳ ибн Фадл
томонидан кўчирилган.



Ал-Харирининг “Мақом” номли
асарига ишланган миниатюра.
Рассом Яҳё ибн Маҳмуд.
1237 йил. Париж. Миллий кутубхона.

Ҳиндистон миниатюра мактаби.

Ҳинд миниатюра мактаби ўрта асрларда шаклланган бўлиб у Гужератада сақланиб қолган. Гужерата мактаби (XIII-XV аср) миниатюрасининг ўзига хос томони одам тасвирини кўп ҳолда ён томондан, кўз олд томонга қаратилиб ишланган. Ҳиндистон миниатюра мактабининг тараққиёти бобурийлар даври билан боғлиқдир. Бу даврда кўпгина Ўрта Шарқ миниатюрачилари Ҳиндистонга келтирилди ва таклиф этилди.


Самарқанддан ва Табриздан келган миниатюра усталари ҳинд миниатюра санъати ривожланишига катта таъсир ўтказдилар. Бобурийлар миниатюра санъати дастлаб Ўрта Шарқ миниатюра санъати таъсирида шаклланган бўлса ҳам, унинг ўзига хос томонлари мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Бу хусусият Ҳинд миниатюрачилари тасвирида фазовий кенгликни кўрсатиш, борлиқни ҳажмли

қилиб тасвирлашига интилишлар сезилади. Бобурийлар даври миниатюра санъатида аста-секин портрет санъати кенг ёйила бошлади. Бу Европа реалистик санъати таъсири кучайиб бораётганлиги англаеган еди.

Ҳинд миниатюра санъати Жаҳонгир подшолик қилган даврда (1605-1627) янада ривожланди. **Миниатюраларда ҳаётий миший жсанр, мұхаббат, табиат, қүши, ҳашорот ва ҳайвонлар тасвири ишланы бошланди.** Бобурийлар миниатюра мактабининг ёрқин намунаси “Бобурнома” китобида ўз аксини топган бўлиб бу китоб Москвадаги Шарқ халқлари санъати музейида сақланмоқда “Бобурнома” китобининг рассомлари Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар, Бойсунқур Мирзо, Ҳайдар Мирзо бўлғанлар. Хиндистон рассомчилиги тараққиётига катта хисса қўшган рассомлар Мир Саид Али, Абдусамад Шерозий, Басова, Дўст Девона, Дисвинта, Фаррухбеклар эдилар.




Гуджарата мактаби. «Васанта Виласа» асарига ишланган миниатюра 15 аср.
Фирир санъат галереяси, Вашингтон.




Акбар ўз тасвирини отаси
Хумоюнга кўрсатмоқда.
Рассом Абдусамад. 1550-56 йиллар.
Гулистан кутубхонаси, Техрон.



Сарой аъёнлари Бобур қабулида.
“Бобурнома” китоби. Рассом Фаррухбек.
1589 йил. Саклер галереяси, Вашингтон.



Рассом Мир Саид Али. Автопортрет.
1540 йил. Фрир санъат галереяси, Вашингтон.



Рассом Фаррухбек. Автопортрет.
1615 йил. Ева ва Конрада Зитц коллекцияси.

Эрон миниатюра мактаби.


Эрон миниатюра мактабининг асосий йўналишларидан бири Исфаҳон мактаби бўлиб у XVIII аср охири XIX аср бошларида шаклланган. **Исфаҳон мактаби асарларида рангдорлик камдек туюлади, тасвир тагида эса зарли ранглардан фойдаланилган. Шакллар ирик, манзаралар аниқ тасвирланиб, китобий тасвирлар билан бирга портретлар, жанрли асарлар ҳам яратилган.**

Эрон миниатюра мактабининг машҳур рассомларидан Ризо Аббосий, Муҳаммад Қосим, Муҳаммад Юсуф, Муҳаммад Алилардир. Миниатюра мактаби йўналишига Европа тасвирий санъати ўз тасвирини кўрсатиб, асарларда насроний дини мифологияси асосий ўринни эгаллаган. Бу Муҳаммад Замон, Ал Қулибек, Жабадар ижодида кўринади. Ризо Аббосийнинг “Чўпон”, “Йигит портрети” номли асарлари жуда машҳурдир. XIX аср рассомлари ўз санъатларига Европа рангтасвирининг бадиий ва техник усулларини сингдириб ислоҳ қилдилар. Исфаҳонда яшаб ижод этган. Табризлик рассом Султон Муҳаммад томонидан ишланган “Пайғамбарнинг ариши аълога чиқиши” деб номланган асарида, Низомийнинг “Хамса” китобига


и шланган миниатюраларда Европа бадий техник усулларини сингдирилганини күриши мүмкин.



Рассом Ризо Аббосий.
“Чўпон” 1634 йил.
Санкт Петербург, ГПБ.



Рассом Ризо Аббосий.
“Йигит портрети” 1625 йил.
Британия кутубхонаси, Лондон.



“Пиёла тутган йигит”. Рассом Мухаммад Юсуф. 1656 йил. Санкт Петербург, Эрмитаж.

Түрк миниатюра мактаби.

Бу мактабнинг тарақий этиб ривожланиш даври XV – XVI асрларга тўғри келади.

Ўша даврда Султон Маҳмуд II ўз саройига рассомлар ва хаттоларни тўплаган. 1425 йилда сарой устахонасида 29 та рассом ва наққош ижод қилган.

Түрк миниатюра усталари ўз ижодларида Шарқ санъати мактаблари иш услугидан кенг фойдаланганлар. “Султон Сулаймон тарихи”га ишланган миниатюраларда түрк миниатюрасига хос фазилатлар воқеликни шошилмай баён этишига, композицияни бирмунча перспектив планда ечишига интилиш сезилади.

Түрк миниатюра мактабининг машҳур рассомлари Усмон, Нигорий, шайх Ҳамидуллалар шунингдек түрк султони саройида Ўрта Осиё ва Хуросондан келган Бобо Наққош, Шайх Мустафо, Тожиддин Гиреҳбандий, Абдулғани Оға Мирак, Шайх Камоний, Шоҳқули, Жалолзода Мустафо кабилар самарали ижод қилганлар

Жалолзода Мустафонинг “Султон ва унинг аъёлари”, Усмоннинг Хусрав ва Султон Салим II портрети, Нигорийнинг “Султон Сулеймон I портрети” Низомийнинг “Хамса” асарига ишланган Бойсун Мирзо, Амир Темур ва темурийлар авлодлари тасвирлangan миниатюралар, Баҳром Мирзо, Шоҳ И smoil албомлари Туркияning Тўпқопи саройи кутубхонасида сақланмоқда.



Султон Усмон I Фози портрети.



Султон Салим I портрети.



Султон Сулеймон қүшини билан 1554 йил Нахичеванга юриши.
Истамбулнинг Тўпкоти саройидаги миниатюра. 1561 йил.



Султон Махмуд I сарой аъёнлари билан.

Ўрта Осиё миниатюра мактаби.

Ўрта Осиё, умуман, Ўрта Шарқ маданиятида китобни безаш, хаттотлик, миниатюра санъати узоқ тариҳдан ўзига хослиги жозибаси билан алоҳида ажралиб туради. Мазкур санъатнинг тараққий этишида Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон рассомлари катта ҳисса қўшдилар.

Ўрта Осиё, Ўрта Шарқ миниатюра мактабларининг машҳур рассоми Камолиддин Бехзод таҳминан (1455-1535) Ҳиротда Алишер Навоий даврасида ва ҳомийлигига ижод қилган бўлсада кейинчалик у қўпгина хаттот ва рассомлар билан Бухорога кўчиб ўтди. Бехзод Бухорода 1507-1522 йилларда яшаб ижод қилди. Машҳур асари Шайбонийхон портретини яратди.

Бехзод ўз ижодини ҳаётда кўрган воқеа деталлар билан бойитиб асарларини реалистик йўналишини кучайтириди. У шарқ миниатюрачи рассомлари орасида серқиррали ҳаёт жозибасини ўта нозик ва нафис талқин қила оларди. **К. Бехзоднинг ўз композицияларига реал манзара, меъморлик деталларини киритиши, асар гоясини очишда образ ҳаракатларидан ўринли фойдалана олиши миниатюра санътини ривожланишида муҳим ўрин эгаллади.**

Камолиддин Бехзод 1522-1524 йилларда Табризда 1524 йилда Ҳиротга қайтиб умрини охиригача шу ерда ижод қилди. Бехзод буюк шоирларнинг асарларига жанг, ов манзараларини тасвирловчи миниатюра композициялари, илюстрациялар, портретлар ишлади. У Саъдийнинг “Бўстон”, “Гулистон”, Низомийнинг “Хамса”, Хисрав Дехлавийнинг “Хамса”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Темур зафарномаси”, Алишер Навоийнинг достонларини ўз миниатюра композициялари билан безаган. Камолиддин Бехзод томонидан ишланган Навоий, Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон портретлари рассомнинг мазкур санъатда етуклика эришганини англашиб туради.

Ўрта Осиё миниатюра мактабининг машҳур рассомларидан Махмуд Музаҳиб Бехзод таъсирида камол топиб, ўзининг юксак малакавий маҳорати билан ажралиб туради. Унинг китоб безаш маҳоратини юқори баҳолаб “Музаҳиб-олтин суви юритувчи ” тахаллуси билан атадилар. Алишер Навоийнинг ҳассага таяниб турган ҳолатидаги портретини Музаҳибининг ilk асари ҳисобланади.

Рассом асарида Навоийнинг ички руҳий ҳолатини очишга ҳаракат қилиб Бехзод анъналарини давом эттирган.

XVII асрнинг 30-50 йиллари Музаҳиб ижодининг гуллаган даври бўлди. Унинг машҳур асарларидан “ Султон Санжар ва тўкувчи қари кампир учрашуви” миниатюра композициялари дикқатга сазовор бўлди.

Ўрта Осиё миниатюра мактабининг машҳур рассомларидан бири Муҳаммад Мурод Самарқандийдир. Унинг ижодида шоҳларнинг қабул

маросимлари, ов манзаралари, қаҳрамонлик мавзулари асосидаги миниатюра композициялари ўз ифодасини топган. Самарқандий Абдулбосит Фирдавсийнинг “Шоҳнома” қўл ёзмасига 115 та миниатюра композициялари ишланган.

Рассом иирик образни биринчи режада тасвирлайди. Самарқандий ижодининг ўзига хос хусусияти у образларни камайтириб уларни соддароқ тасвирлайди образлар ҳатти ҳаракати, юз, қўл мимик ўзгаришлари гоявий мақсадни ёритишга хизмат килди.


“Сиёвушни олов билан текшириш” деб номланган миниатюра композицияси қўл, бош, ҳаракати, юздаги мимик ўзгаришлар образларнинг ҳаяжони, чўчиш ва хотиржамлик ҳолатларини очишга хизмат қилган. XVII аср бошлари Ўрта Осиё миниатюра санъатининг юксалиш даври бўлди. Самарқанд миниатюра мактаби рассомлари томонидан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига ишланган миниатюралар алоҳида ўринни эгаллайди. Шунингдек бу даврда хон ва шоирлар портретлари ишланди.



Хусравнинг пушаймонлиги.
Ҳирот, XV аср охири. 1495 йил кўчирилган.
Мусаввир Беҳзод.



Темур ғазот уришига жўнаши.
Самарқанд, XVII аср биринчи ярми.
1628-29 йилларда кўчирилган.



Искандар ва егти донишманд.
Хирот, XV аср 90-йиллари.
1495 йил кўчирилган. Мусаввир Беҳзод.
Британия музейи, Лондон.